



Ислом Нури

«...» :... «...».

Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади, Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Яқин кунларда мусулмоннинг энг яхши моли – динини фитналардан олиб қочиб, тоғларнинг тепаларига ва ёмғирли ўринларга ҳайдаб чиқиб кетадиган қўйи бўлиб қолади» (Имом Бухорий ривояти).

«...» :... «...».

Уҳбон розияллоху анхудан ривоят қилинади: Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам менга шундай васият (насиҳат) қилганлар: «Ҳали фитналар ва бўлинишлар бўлади. Ўшандай ҳол юз берганида қиличнинг синдир ва ёғочдан қилич қилиб оли» (Имом Аҳмад ривояти).

«...» :... «...».



Ислом Нури

«...» :...
... «...»
... :...
...
...)

Хузайфа ибн ал-Ямон розияллоху анхудан ривоят қилинади: Одамлар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан яхшиликлар ҳақида сўрашар, мен эса ўзимга ёмонликлар етишидан қўрққанимдан ёмонликлар ҳақида сўрардим. «Ё Расулуллоҳ, биз жоҳилият ва ёмонлик ичида эдик, Аллоҳ бизга бу яхшиликни (яъни, иймон ва исломни) берди. Энди шу яхшиликдан кейин бирон ёмонлик бўладими?», деб сўрадим. «Ҳа», дедилар. «У ёмонликдан кейин яна яхшилик бўладими?», дедим. «Ҳа, бироқ унда хиралик бўлади», дедилар. «Хиралиги нима?» дедим. «Менинг йўлимдан бошқасига йўллайдиган қавм (бўлади), уларнинг яхши ишларини ҳам, ёмон ишларини ҳам кўрасиз», дедилар. «Бу яхшиликдан кейин яна ёмонлик бўладими?», дедим. «Ҳа, жаҳаннам дарвозаларига чорловчилар (бўлади), ким уларнинг чақириғини қабул қилса, унга улоқтирадилар», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, бизга уларнинг белгиларини айтиб беринг», дедим. «Улар бизнинг қавмларимиздан, бизнинг тилларимизда гапиришади», дедилар. «Ўша нарса менга етса, нима қилишга буюрасиз?», дедим. «Мусулмонлар жамоатини ва имомини (рахбарини) маҳкам тутинг», дедилар. «Агар уларнинг жамоати ҳам, имоми ҳам бўлмаса-чи?», дедим. «Дарахтнинг томирини тишлаб бўлса-да, у фирқаларнинг ҳаммасидан четланинг, то ўлгунча мана шу ҳолатда қолинг», дедилар (Муттафақун алайҳ).



Ислом Нури

Шарх:

Фитналар – Аллоҳ таоло ушбу умматни дучор қиладиган синов ва имтиҳонлардир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг юз беришини хабар берганлар ва мусулмон киши фитналар пайтида Аллоҳнинг изни билан уларнинг ёмонлигидан саломат қолиши учун нималар қилиши лозимлигига йўллаганлар.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Фитналардан сақланиш, улардан узоқ бўлиш ва уларга аралашашига интизмаслик лозимлиги;
2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фитна пайтида урушни тарк қилишга йўллаганлари;
3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фитналар пайтида мусулмонлар жамоати ва имомини лозим тутишга буюрганлари;
4. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам фитналар юз берганда ибодат қилишга тарғиб қилганлари.